



«Neft va gaz quduqlarini sinash»
aksiyadorlik jamiyati
aksiyadorlarining 2015 йил 22 майдаги
ялбатдан ташқари умумий йиғилиши
№ 1/2015-сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»



Кашкандарё вилояти Косон туман
ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик
субъектларини руйхатдан утказиш
инспекциясининг 2015 йил 27 май даги
№ _____ сонли реестр рақами билан.
«РУЙХАТГА ОЛИНГАН»

«Neft va gaz quduqlarini sinash» aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

(янги тахрир)

Косон - 2015 йил.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Neft va gaz quduqlarini sinash» aksiyadorlik jamiyati (Кейинги ўринларда «Жамият» деб аталади) Давлат мулки кумитасининг «Давлат корхонасини очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш тугрисида» ги қарорига ва Давлат мулки кумитаси ҳудудий бошқармасининг 1996 йил 27 августдаги 141-6-сонли буйруғига кура ташкил этилган.

1.2. «Neft va gaz quduqlarini sinash» aksiyadorlik jamiyati ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Ўзгеобурнефтгаз» АК қарорлари, буйруқлари, фармонларига ҳамда ушбу Уставга асосан уз фаолиятини амалга оширади.

1.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан таъқиқланмаган ва ушбу Уставда кўрсатилган мақсадларга жавоб берадиган ҳар қандай хўжалик ва тижорат фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

1.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди ва хорижий давлатларда филиаллар ва ваколатхоналар очиши, ҳамда улар низомини тасдиқлаши мумкин. Филиал ва ваколатхоналар раҳбарлари Жамият томонидан тайинланган шахслар бўлиб, улар Жамият берган ишончнома асосида фаолият юритадилар.

Жамият филиал ва ваколатхоналари олган мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

Жамият юридик мақомга эга бўлган шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ташкил қилиши мумкин.

1.5. Жамиятнинг юридик манзилгоҳи: «Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 123-уй. Почта индекси 180800.

1.6. Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

лотин алифбосида – “Neft va gaz quduqlarini sinash” aksiyadorlik jamiyati;
кирил алифбосида - «Нефт ва газ қудуқларини синаш» акциядорлик жамияти;
рус тилида: Акционерное Общество “Neft va gaz quduqlarini sinash”;

Қисқартирилган номи:

лотин алифбосида – “NGQS” AJ;
кирил алифбосида - «НГҚС» АЖ;
рус тилида: АО “Neft va gaz quduqlarini sinash”;

1.7. Жамиятнинг ташкилий ҳуқуқий шакли; Акциядорлик Жамияти.

1.8. Жамият ўз баланси, банкда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобларига ҳамда давлат тилида ўз фирма номи тўлиқ кўрсатилган муҳр, номи ва жойлашган манзили тўлиқ кўрсатилган тамға, шунингдек фирма бланкаси, эмблема белгиларига эга.

2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан турли шакл ва мазмундаги битим ва шартномаларни тузиш, мулкӣ ва номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.1.1. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади. Жамият фаолият курсатиш муддати чегараланмайди.

2.2. Жамият Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасида бўлгани сингари, унинг ташқарисида ҳам амалдаги қонунчилик ҳужжатларга риоя этган ҳолда чет эллик шериклар билан шартнома, битимлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тузиб, ташқи иқтисодий фаолият кўрсатади.

2.2.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради, маҳсулот ва хизматга бўлган талаб эҳтиёжидан келиб чиқиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришни таъминлайди.

2.2.2. Жамият ҳар қандай молия-кредит муассасаларида ҳисоб варағи ва бошқа ҳисоб-китоб учун мўлжалланган ҳисоб рақамлари очиш, улар орқали миллий ва чет эл валюталарида амалдаги Қонунчилик меъёрларига риоя қилган ҳолда таъқиқланмаган ишларни амалга ошириши мумкин.

2.2.3. Жамият банк муассасаларида ўз ҳисоб варағида пул маблағларни мустақил равишда харажат қилиш, миллий ва чет эл валюталарида банк ва муассасаларнинг кредитларидан фойдаланиш, қимматли қоғозлар чиқариш ва улардан даромад олишга ҳақлидир.

2.3. Ушбу Уставда белгиланган қондалар жамиятнинг бутун фаолияти давомида ўзининг юридик кучини сақлаб қолади. Янги Қонун ёки Қонун ҳужжатлари қабул қилиниши Қонунларда белгилаб қўйилган тартибга асосан Уставга ўзгартиришлар киритишга сабаб бўлади.

2.4. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнлари ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Жамият фаолиятининг мақсади ;

- Ўзбекистон Республикаси товарлар ва хизматлар бозорини тўлдириш;
- янги иш ўринлари ташкил этиш эвазига аҳолини бандлик муаммосини ҳал этишда ҳамкорлик қилиш;

- ўз фаолияти натижасидан фойда олиш;

3.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар;

- «Бизнес-режа» нинг бажарилиши, ўз фаолиятини режалаштириш;

- «Ўзгеобурнефтгаз» АК тизимидаги корхоналар томонидан пармаланган барча нефт ва газ қудуқларида махсулдор қатламларни бирламчи очиш бўйича супервайзерлик хизмати, эксплуатацион колонналар тушириш, махсулдор қатламни очиш даврида лойли қоришма параметрлари бўйича сервис хизмати, ҳамда нефт ва газ қудуқларини мустаҳкамлаш, синов ишлари бўйича сервис хизматларини кўрсатиш ва сув қудуқларини казиш бўйича сервис хизматларини кўрсатиш;

- «Ўзбекнефтгаз» Миллий Холдинг Компанияси таркибидаги ва чет эл қўшма корхоналари тасарруфидаги барча нефт ва газ қудуқларида шартнома асосида синаш, капитал ҳамда мураккаб капитал таъмирлаш ишлари юзасидан сервис хизматлари кўрсатиш, горизонтал ва ён стволни бургулаш бўйича сервис хизмати ҳамда бургулаш жараёнида синов ишларини юритиш бўйича сервис хизмати кўрсатиш ва бургулаш корхоналарига (ИГ) чуқур тадқиқот ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш;

- нефт ва газ қудуқлари қурилишида алоҳида босқичларда ишлаб чиқариш жараёнларини юритиш ва назорат қилиш бўйича сервис хизмати кўрсатиш;

- барча давлат корхоналари, хусусий, қўшма корхона ва жисмоний шахслар билан ўзаро шартнома асосида сув қудуқларини бурғилаш ишлари юзасидан сервис хизматлари кўрсатиш;

- синов ишлари бўйича иш fronti бўлмаган пайтларда бригадаларни капитал таъмирлаш, қудуқ ён стволини кесиш ҳамда казиб утиш ва ушланиб қолган насос компрессор қувирларини сув-қум оқимли перфорация усули орқали кесиб олиш ҳамда қудуқ тектоник бузилишлар натижасида қисилган насос компрессор қувирларини ичидан кичик диаметрдаги махсус асбоб ва насос компрессор қувири тушириб махсулдор қатламни очиш бўйича қушимча иш хажмларини бажариш;

- чуқур бўлмаган геологик мақсадга эга бўлган ва маҳсулот олишга мўлжалланган қудуқларда бурғилаш (қурилиш) ишларини бажариш;

- қудуқ қурилиши билан тугатилган, бартараф (ликвидация) қилинган қудуқларни ишлатиш, 5, 8 дюмали қувирларни А-50, АК-60, УПА-60 станоклари ёрдамида кўтариб олиш ишларини бажариш;

- қудуқларни бургулаш, нефт ва газ қудуқларини капитал ва мураккаб таъмирлаш, ён стволни казиб ўтиш ишларини амалга ошириш учун А-50, АК-60, УПА-60 (мобил

станокларини) махсус ускуналарини ҳамда махсус автотранспорт воситаларини ижарага беради ва ижарага олади;

- бартараф килинган қудуқларни қайта мураккаб капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

- шартнома асосида бургулаш ва цемент коришмаларини лабаротариядан ўтказиш бўйича сервис хизмати кўрсатиш;

- шартнома асосида Ўзбекистон Республикасидаги фаолият кўрсатаётган чет эл қўшма корхоналари билан иш олиб бориш ва ишлаб топилган маблағни (сўм ёки чет эл валютаси ҳисобида) жамият моддий техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида эркин равишда фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида нефт маҳсулотларини биржа орқали сотиб олади ;

- барча ташкилот, корхона, бирлашма давлат ва шахсий фирмалар билан мустақил ўзаро шартномалар тузиш;

- ўз фаолияти доирасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги, аварияларни олдини олиш, нефт ва газ қудуқларида фаввораларга йўл қўймаслик ҳамда ёнғин хавфсизлиги ишларини бориши бўйича мониторинг олиб бориш;

- шартнома асосида топографик-геодезик ишларни бажариш.

Жамият «Бизнес режа» синининг бажарилиши юзасидан ўзининг юқоридаги асосий вазифаларини бажариш билан бирга, қуйидаги фаолиятлар билан ҳам қўшимча равишда шуғулланади:

- ёрдамчи хўжалик ташкил этиш ва шу хўжаликда дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш;

- жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб қасаначилик билан шуғулланадиган иш ўринларини яратиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш;

- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш;

- Республика ичкарасида, хорижда турли хил кўчар ва кўчмас мулкларни сотиб олади, ижарага беради ва сотади;

- улгуржи ва чакана савдони амалга оширади;

- ўз эҳтиёжлари учун қурилиш ишлари бажариш, қурилиш материалларини сотиб олиш, сақлаш, қайта тайёрлаш;

- махсус техника ва автотранспорт хизмати кўрсатиш;

- Республикада ва хорижда ишлаб чиқарилган енгил, юк ва махсус автотранспорт воситаларини белгиланган тартибда харид қилиш;

- белгиланган тартибларда Ўзбекистондаги чет эл банкларидан валюта ҳамда сўмдаги ҳисобларини очади;

- қимматли қоғозларни чиқариш, жамоа аъзоларига, юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга сотишни, сотиб олишни ташкил қилиш;

- имтиёздан ортиқча бўлган миллий ва чет эл валютасини фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида шартномалар асосида банкларда сақлаш;

- жамият моддий техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида Фонд биржалари ва тендерларда эркин равишда иштирок этиш ;

- уй-жой фондини ташкил қилиш учун иморатлар қуриш, сотиб олиш, уларни ижарага бериш;

- қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;

- махсус рухсатнома талаб қилинадиган фаолият турлари учун махсус рухсатнома (лицензия) лар олингандан сунг ишга киришилади;

4. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори

4.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

4.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

4.4. Жамият Устав фондининг миқдори 1 381 950 000 (бир миллиард уч юз саксон бир миллион тукқиз юз эллик минг) сўм бўлиб, номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 2 763 900 (икки миллион етти юз олтмиш уч минг тукқиз юз) дона оддий эгаси ёзилган ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.

5. Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари

5.1. Жамият томонидан 2 763 900 (икки миллион етти юз олтмиш уч минг тукқиз юз) дона оддий эгаси ёзилган ҳужжатсиз акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

5.2. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 10 000 000 (ўн миллион) дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялардан иборат.

5.3. Жамият акцияларининг номинал қиймати 500 (беш юз) сўм.

6. Жамият устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш

6.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

6.3. Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставда белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

6.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

6.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

6.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

6.7. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

6.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

6.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз

капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

6.10. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

6.11. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

6.12. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпик обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

6.13. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида (ўзгартириш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида, қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

6.14. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

6.15. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати конун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

6.16. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қискартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.17. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фондининг (устав капиталининг) жамият уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

6.18. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.19. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6.20. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини)

камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

7. Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари

7.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

7.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошлана-диган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

7.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

7.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

7.5. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

8. Жамиятнинг фондлари

8.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан захира, уй-жой ва меҳнатни муҳофаза қилиш фондлари ташкил этилади.

8.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

8.3. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

8.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.6. Уй-жой фонддини шакллантириш кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиш шарти билан жамият соф фойдасидан ҳар йилги ажратмалар қилиш йўли билан амалга оширилади.

8.7. Уй-жой фонди жамият мутахассислари учун қурилаётган уй жойларни молиялаштиришга, ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан тижорат банкларидан олинган ипотека кредитлари ва унга ҳисобланган банк фоизларини тўлаш учун йўналтирилади.

8.8. Меҳнатни муҳофаза қилиш фонддини шакллантириш кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиш шарти билан жамият соф фойдасидан ҳар йилги ажратмалар қилиш йўли билан амалга оширилади.

8.9. Меҳнатни муҳофаза қилиш фонди маблағлари жамиятда меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқишга, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилишни тарғиб

қилиш воситалари билан таъминлашга, жамиятнинг норматив ҳужжатлари билан белгиланган ва меҳнатни муҳофаза қилишни бошқа йўналишлари бўйича чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

8.10. Жамият қонунчилиқда белгиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга

9. Дивидендларни тўлаш

9.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

10. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) жамиятнинг органларидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

10.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

10.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади, жамият йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бундан мустасно.

10.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

1) жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

2) жамиятни қайта ташкил этиш;

3) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- 5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 6) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;
- 7) ўз акцияларини олиш;
- 8) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва уни ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек жамият кузатув кенгаши жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;
- 9) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- 10) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
- 11) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- 12) жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- 13) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- 14) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 15) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 16) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;
- 17) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 18) мазкур жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш йулллари билан етказилади.

Агар жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

10.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.12. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

10.13. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

10.14. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- 1) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- 3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- 7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 8) жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 9) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- 10) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- 11) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- 12) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 13) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 14) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 15) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 16) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- 17) жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 18) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 19) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 20) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- 21) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни

жойлаштириш орқали кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно;

22) жамият Уставининг 5.2 бандида белгиланган миқдордан ошмайдиган даражада кўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор қабул қилиш;

23) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, ҳамда уларга узгартириш ва кўшимчалар киритишни ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

24) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

25) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

26) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

27) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш.

10.15. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

10.16. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.17. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби 5 кишидан иборат.

10.18. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

10.19. Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.20. Айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўлича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.21. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мазкур уставда ёки акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.


10.22. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

10.23. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

10.24. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.25. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

10.26. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.



10.27. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

10.28. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

10.29. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзосининг ва ички аудит хизмати бошлиғи талабига кўра чакирилади.

10.30. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чакирилади.

10.31. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.32. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.33. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

10.34. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

10.35. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

10.36. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

10.37. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисида ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисида иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

10.38. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

10.39. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кунни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кунни топширилади.

10.40. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи - Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

10.41. Жамият Бошқаруви 3 (уч) кишидан иборат бўлиб (Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари) бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

10.42. Жамият Бошқарув раиси жамият акциядорларининг умумий йиғилишида танлов асосида, Бошқарув аъзолари эса жамият кузатув кенгаши томонидан сайланадилар (тайинланадилар). Жамият бошқарув раиси ёки бошқарув аъзолигига чет эллик юқори малакали менеджер жалб қилиниши мумкин.

10.43. Жамият Бошқаруви раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари конун ҳужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

10.44. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

10.45. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

10.46. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

10.47. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

10.48. Жамият кузатув кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

10.49. Жамият кузатув кенгаши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

10.50. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият Бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

10.51. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек жамиятнинг Бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

10.52. Жамият Бошқарувининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.53. Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.54. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

- жамият номидан ишончномаларни бериш;
- ўз ваколатлари доирасида, жамият номидан битимлар тузиш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- штатларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
- жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш.

Жамият Бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва жамият меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга.

10.55. Жамият Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар қиради:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- жамият ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- жамият филиаллари раҳбарларини лавозимга тайнлаш ва лавозимдан озод этиш;
- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;
- жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишонччилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида жамият бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала жамият бошқаруви қарорига мувофиқ кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);
- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;
- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- жамиятнинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

11.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг мазкур устави билан белгиланади.

11.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

11.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

11.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси ҳулоса тузади, бу ҳулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 10.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган ҳулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.9. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

11.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

11.11. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик ҳулосасини тақдим этади.

11.12. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

11.13. Зарур бўлган ҳолларда жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

11.14. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

12. Яқуний қоидалар

12.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

12.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги тахрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

12.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

12.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

12.5. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

12.6. Жамият кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

«Нефт ва газ кудукларини синаш»
Акциядорлик Жамияти раиси :



Ф.Р.Шамсиддинов

«Neft va gaz quduqlarini sinash» aksiyadorlik jamiyati ning Yangi taхrirdagi Ustavi bilan taniштирилдилар.

Салаев К.Р. _____

Махамов С.С. _____

Сайтов Н.Р. _____

Жураев Ф.А. _____

Нарзиллаев Ф.К. _____

Холмонов И. _____

Аминов Б.А. _____

Султонов Т.И. _____

Ибрагимова З. _____

Асадов З. _____

Бобониёзов С.С. _____